Куч — адолатда

2014 йил
21 февраль,
жума
№ 8 (469)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.oliysud.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

Мамлакатимизда ёш авлодни ҳар томонлама етук инсонлар қилиб тарбиялаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда ёшлар ҳуқуқ ва манфаатларига оид масалалар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва ушбу соҳага оид кўплаб қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилган.

Юксак маънавиятли, жисмонан баркамол ёшларни тарбиялаш – умуммиллий вазифа



Айтиш керакки, 1991 йилда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги қонун ёшларнинг ҳар томонлама комил инсон бўлиб вояга етишиши учун барча зарур шарт-шароитларни яратиб беришга қаратилган чора-тадбирларнинг қонуний асосини мустаҳкамлади.

Оила кодекси, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури, "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида", "Таълим тўғрисида", "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида", "Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида"ги қонунлар унинг мантиқий давоми бўлиб, улар ёшлар тарбиясида, уларни соғлом турмуш тарзига ўргатишда, бандлигини таъминлашда, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариши учун зарур шарт-шароитлар ва имкониятлар яратиш бўйича ҳам кенг кўламли аниқ йўналтирилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Мустақиллик йилларида қатор йилларнинг "Соғлом авлод йили", "Она ва бола йили", "Ёшлар йили", "Баркамол авлод йили" деб номланганги ва махсус давлат дастурларининг қабул қилингани фарзандларимиз камолотига хизмат қилди. 2014 йилнинг "Соғлом бола йили" деб эълон қилингани бу борадаги ишларни янада юқорироқ босқичга кўтаришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ҳар йили мамлакатимиз парламенти томонидан тасдиқланадиган Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурлари асосида ёшларимиз учун иш ўринлари яратилаётгани уларнинг ҳаётда ўз ўрнларини топишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўтган йили касб-ҳунар коллежларининг 500 минг нафардан ортиқ битирувчиси иш билан таъминланганги бунинг исботидир. Ўз хусусий ишини очиб, бизнес билан шуғулланишга қарор қилган коллеж битирувчиларига 140 миллиард сўмдан зиёд имтиёзли микрокредитлар ажратилгани эса, уларга яратилган улкан қулайлик бўлди.

(Давоми иккинчи бетда)

Qonun ijodkorligi

Қонун лойиҳасини такомиллаштириш

бу борада ҳуқуқий эксперимент муҳим аҳамият касб этди

Маълумки, бугунги ҳаётимизни ахборот-коммуникация технологияларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Жамиятнинг барча соҳаларида ушбу тармоқнинг роли ва аҳамияти тобора ортиб бораётгани бунинг ёрқин тасдиғидир.

Мамлакатимизда истиқлол йилларида ахборот-коммуникация технологияларини ҳар томонлама равнақ топтириш, унинг ҳуқуқий-ташкилий ҳамда моддий-техник базасини изчил такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратиб келинаяпти. Соҳага оид 11 та ва бевосита шунга алоқадор бўлган 6 та қонун, Президентимизнинг фармон ва қарорлари қабул қилиниб, бир қатор йирик лойиҳалар амалга ошириб келинаётгани шундан далолатдир.

Бу борада яратиб берилаётган муносиб шарт-шароитлар, имкониятлар шарофати ўлароқ, тарихан қисқа вақт мобайнида республикамиз ўзининг мустаҳкам ахборот-коммуникация технологиялари инфратузилмаси, малакали кадрлар тайёрлаш тизимига эга бўлди. Сўнгги 10 йил давомида жами 2,5 миллиард АҚШ долларига тенг бўлган 40 дан ортиқ лойиҳа амалга оширилди. Интернет провайдерлари ва операторлари сони 930 тага кўпайиб, он-лайн тармоғидан фойдаланувчилар сони 10 миллион нафардан ошиб кетди. "UZ домен" зонасидаги сайтлар ва контент ҳажми ҳам ўсгани ҳолда, уларда давлат ҳокимияти органлари ресурслари, ахборот тизимлари ҳам мустаҳкам ўрин топиб, базавий давлат интерактив хизматлари умумий сони ортиб бораётир.

(Давоми учинчи бетда)

Ахборот бозоридан ким нима «харид» қилмоқда?

Интернет — бу катта бир дўкон. Дўконга борганда, одам хоҳлаган молини сотиб олади. Интернетни ҳам шундай бир бозор, яъни ахборот бозори, деб тушуниш керак.

Ислом КАРИМОВ

"Дунё ўргимчак тўри" қандай яратилган?

Ҳар бир нарса, хусусан, интернетнинг ҳам ўзига хос яратилиш тарихи бор. Унинг ўзида келтирилган маълумотларга кўра, интернет ўтган асрнинг 60-йилларида ҳарбий бўлинмалар ўртасида узлуксиз алоқани таъминлаш, махфий маълумотларни тезкор ва хавфсиз узатиш мақсадида ишлаб чиқилган. Кейинчалик бу хизматдан фуқаролик институтлари, бошқача айтганда, оддий юридик ва жисмоний шахслар ҳам фойдаланиши мумкин, деган хулосага келинган.

Ўтган йиллар давомида интернетни бошқариш ва такомиллаштириш бўйича туб ўзгаришлар юз берди. Мульти-медиа тизимининг тарқоқ компьютерларини ягона тармоққа бирлаштиришнинг такомиллашган усули яратилди. Word wide web — дунё ўргимчак тўри тарзида ифодаланган бу усул интернетни оммавий ахборот воситасига айлантирди, ахборот технологиялари, радиоэшиттириш ва телекоммуникация имкониятларини мислсиз кенгайтирди. Шу йўсинда интернет нафақат матнни, балки сурат ва расмларни, товуш ва видеотасвирларни ҳам узатишга қодир воситага айланди.

Интернет анъанавий информация тизимларининг технологик жараёнини глобал миқёсда уйғунлаштирган. Айни пайтда у турфа ахборот ва билимлар манбаи, оммавий ахборот воситаси, инсон фаолиятининг барча соҳаларига тааллуқли информацион хизматлар, турли компаниялар-нинг маълумотлар майдони, жаҳон бозорига энг тежамли ва тезкор усулда қўшилиш имконини берадиган ноёб восита вазифасини ўтамоқда. Ундан фойдаланувчилар сони ҳайратланарли даражада ўсиб, усиз ҳаётни тасаввур этиш қийин бўлиб қолди.

(Давоми тўртинчи бетда)

Insonparvarlik tamoyillari

Амнистия – бағрикенгликнинг амалдаги ифодаси

Мамлакатимизда шахс ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштириш ва либераллаштириш борасидаги ислоҳотлар изчил давом эттирилмоқда. Жумладан, суд тизимининг тобора мустаҳкамланаётгани ва ваколатлари кенгайтирилаётгани фуқароларнинг ҳимоя ҳуқуқи рўёбга чиқарилишида муҳим аҳамият касб этаётир.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, жиноий-ҳуқуқий соҳадаги сиёсатни такомиллаштиришда жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини янада либераллаштириш ва инсонпарварлик тамойилларига мувофиқлаштириш энг муҳим йўналишга айланди. Ушбу соҳада амалга оширилган чора-тадбирлар, хусусан, 2001 йилда "Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонуннинг қабул қилиниши улкан социал ва ижтимоий-сиёсий аҳамият касб этганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Иқтисодиёт соҳасидаги жиноят ишлари бўйича қамоқ ва озодликдан маҳрум этиш жазолари ўрнига жарима шаклидаги иқтисодий санкцияни қўллаш имконияти анча кенгайтирилди. Жиноий жазо тизимидан инсонпарварлик тамойилларига мутлақо зид бўлган мол-мулкни мусодара қилиш тарзидаги жазо тури чиқариб ташланди.

Айтиш керакки, жазо тизимини либераллаштириш бўйича амалга оширилган бундай чора-тадбирларнинг нақадар тўғри бўлганини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда.

Шу маънода юртимизда ҳар йили Президентимиз ташаббуси билан эълон қилинаётган амнистия актлари замирида ҳам юксак инсонпарварлик ва бағрикенглик тамойиллари мужассам.

(Давоми иккинчи бетда)

Мамлакатимизда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш йўлида амалга оширилаётган ишлар юртимиз ободлиги, халқимизнинг фаровон турмуш кечиришига хизмат қилмоқда.

Тинчлик ва осойишталик – бебаҳо неъмат

уни таъминлашнинг ҳуқуқий асослари янада такомиллаштирилди

Диёримида кенг қулоч ёйган бунёдкорлик, яратувчанлик ишлари, одамларнинг эртанги кунга ишончи мустаҳкамланиши замирида ҳам энг катта бойлигимиз тинчлик ва осойишталик мужассам. Бу фикрларнинг яққол тасдиғини халқимизнинг мустақил тараққиёт йўлига назар ташлаб ҳам билиб олиш мумкин.

(Давоми учинчи бетда)

Fuqarolik qonunchiligi

Қарз шартномаси ва унинг шакллари

Маълумки, фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларининг ҳимояси миллий қонунчилигимизнинг асосини ташкил этади. Жумладан, фуқаролик қонунчилигида мулкнинг дахлсизлиги, шартноманинг эркин тузилиши, фуқаролик ҳуқуқларининг тўсқинликларсиз амалга оширилиши, бузилган ҳуқуқлар суд орқали ҳимоя қилиниши белгилаб қўйилган.

Шунингдек, Фуқаролик кодексида фуқароларнинг мажбуриятлари ҳам ўз ифодасини топган. Ҳозирги кунда долзарб бўлган мажбуриятлардан бири — қарз муносабатларига фуқаролик қонунчилигида алоҳида ўрин берилган.

Қарз шартномасига асосан қарз берувчи қарз олувчи ихтиёрига пул ёки сон, миқдор ўлчовидаги бошқа мулкни беради. Ҳар икки томон зиммасига, шартнома ёки қонунда кўрсатилган шартларга асосан, мажбуриятлар юклайди. Қарз шартномасига кўра, олинган нарса қарз берувчига қайтарилиши лозим бўлиб, унинг тартиби ва муддати шартномада алоҳида қайд этилади. Агар қайтариш муддати кўрсатилмаган бўлса, у қарз берувчи талаб қилган вақтда қайтарилиши шарт.

Фуқаролар ўртасида қарз шартномаси, агар қарзнинг суммаси энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ортиқ бўлса, оддий ёзма шаклда тузилади. Фуқаролик кодексининг 733-моддасига мувофиқ, агар қарз олувчининг тилхати ёки унга қарз берувчи муайян сумма, муайян миқдордаги ашёлар берганлигини тасдиқлайдиган бошқа ҳужжат мавжуд бўлса, қарз шартномаси ёзма шаклда тузилган ҳисобланади.

(Давоми иккинчи бетда)

Аввало шуни айтиш керакки, Асосий қонунимизнинг 37-моддасида белгилаб қўйилганидек, ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эга.

Mezon

Меҳнат ҳуқуқи

унинг кафолатли ҳимояси иш унумини оширишда муҳим ўрин тутади

Айтиш жоизки, ушбу конституциявий меъёр асосида ишлаб чиқилган амалдаги Меҳнат кодекси ва бошқа қонун ҳужжатлари меҳнат ҳуқуқларини кафолатли ҳимоялашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Чунончи, Меҳнат кодексининг 100-моддасига мувофиқ, номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномасини ҳам, муддати тугагунга қадар муддатли меҳнат шартномасини ҳам иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш асосли бўлиши шарт. Бундан шуни англаш мумкинки, ходимни асоссиз равишда ишдан бўшатишга йўл қўйилмайди.

(Давоми учинчи бетда)

Insonparvarlik tamoyillari

Амнистия – бағрикенгликнинг амалдаги ифодаси

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Президентимиз тақдимномасига мувофиқ 2013 йил 12 декабрда эълон қилинган Олий Мажлис Сенатининг "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма бир йиллиги муносабати билан Амнистия тўғрисида"ги қарори замирида ҳам ана шундай эзгу мақсадлар мужассам

Мазкур қарорнинг 1-3-бандларида айрим чеклашларни ҳисобга олган ҳолда, энг аввало, аёллар, жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар, 60 ёшга тўлган эркаклар ҳамда хорижий давлатларнинг фуқаролари, шунингдек, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари, ушбу қарор кучга киргунга қадар бир йилдан ошмаган муддат ичида қонунда белгиланган тартибда жазони ўташга тўсқинлик қиладиган оғир касалликка чалинган, деб топилган шахслар жазодан озод қилиниши белгилаб қўйилган.

Сир эмаски, оилада аёлнинг ўрнини ҳеч ким боса олмайди. Шу боис, ушбу қарорда биринчи навбатда, аёлларга алоҳида эътибор берилган бўлиб, жиноят йўлига адашиб кириб қолган, ўз қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, тўғри хулоса чиқарган хотин-қизларни оила аъзолари бағрига қайтариш кўзда тутилган.

Шу ўринда айрим мисолларни келтириб ўтсак. Жиноят ишлари бўйича Олтинкўл тумани суди томонидан 2013 йил 11 ноябрда ҳар ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолиш шарти билан 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган Моҳидилхон Попохонова ҳам мазкур Амнистия актининг 1-банди "а" кичик бандига асосан суд томонидан тайинланган асосий жазо, яъни 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг ўталмаган қисмини ўташдан озод қилинди.

Шунингдек, суриштирув материалларига кўра, Андижон шаҳридаги 25-мактабгача таълим муассасаси мудираси вазифасида ишлаб келиб, Жиноят кодексининг 167-моддаси 2-қисми "б", "в", "г" бандларида назарда тутилган жиноятни содир этган Гулзира Ҳасановага нисбатан ҳам "Амнистия тўғрисида"ги қарорининг 6-банди татбиқ этилиб, жиноят иши юритувдан тугатилди.

Уларнинг ҳар иккаласи суд жараёнида ўз қилмишларидан чин кўнгилдан пушаймонликларини, Амнистия актига асосан жазодан озод этилгач, Президентимиз томонидан кўрсатилаётган бу ғамхўрлик ва бағрикенгликни ўзларининг ҳалол меҳнатлари билан оқлашларини билдиришди.

Айтиш керакки, ушбу қарорда жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахсларни ҳам жазосидан озод этиш назарда тутилган.

Андижон шаҳрида туғилган Маҳмуджон Эгамбердиев, Омаджон Алимов, шунингдек, Азизбек Валихоновга нисбатан юритилган жиноят ишлари мазкур қарорнинг 6-бандига асосан айблилик масаласи ҳал қилинмасдан туриб тугатилди.

Мазкур Амнистия актининг бошқа бандларида ҳам бағрикенгликнинг яққол ифодаси сифатида озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилинган маҳкумларнинг (жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этганлар бундан мустасно) ўталмай қолган жазо муддатининг маълум қисми қисқартирилиши ёки жазодан озод этилиши белгилаб қўйилган.

Жиноят ишлари бўйича Андижон шаҳар судининг 2013 йил 9 декабрдаги ҳукмига кўра, Жиноят кодексининг 122-моддаси 1-қисми билан ҳар ойлик иш ҳақининг 15 фоизини давлат даромадига ундириш белгиланган ҳолда 1 йил 6 ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига судланган Улуғбек Расуловнинг жиноят иши кўриб чиқилди. Унинг муқаддам судланмаганлиги, содир этган жинояти ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар тоифасига кириб, амнистия акти таъсири доирасига тушиши эътиборга олиниб, у ушбу қарорнинг 2-бандига асосан тайинланган жазодан озод қилинди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ушбу қарорнинг ижросини таъминлаш ва жазодан озод этилган шахсларни ишга жойлаштириш, уларга моддий ёрдам кўрсатиш ҳамда вояга етмаганларни соғлом турмуш тарзига йўналтириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жойларда мазкур қарорнинг ижроси жамоатчилик назорати ва очиқ-ошкоралик асосида амалга оширилиб, Олий Мажлис Сенатининг тегишли қўмита ва комиссиялари, сенаторлар ва депутатлар корпуси бевосита иштирок этмоқда. Шунингдек, вилоятимизда прокуратура ва ички ишлар идоралари ходимлари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Омбудсманнинг минтақавий вакиллари, жойлардаги туман ҳокимликлари ҳамда вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайланган депутатлар гуруҳидан иборат комиссиялар ташкил этилган.

Мухтасар қилиб айтганда, олиб борилаётган бундай кенг кўламли ислоҳот ва чора-тадбирлар замирида инсонпарварлик, бағрикенглик тамойиллари мужассам. Бу амалда фуқаролар манфаатига хизмат қилмоқда.

Раҳматжон РАҲИМОВ,
жиноят ишлари бўйича Андижон вилоят суди раиси
Саҳобиддин СИРОЖИДДИНОВ,
ҳуқуқшунос

2014-yil — Sog`lom bola yili

Юксак маънавиятли, жисмонан баркамол ёшларни тарбиялаш-умуммиллий вазифа

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Шунингдек, юртимизда ёшлар таълим-тарбияси соҳасидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, таълим стандартлари ва дастурларини такомиллаштириш, мактаблар, лицей ва коллежлар, олий ўқув юртларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш масалаларига ҳам катта эътибор берилмоқда. Ўтган йили 28 та янги касб-ҳунар коллежи қурилди, 381 та умумтаълим мактаби, олий ўқув юртлари тизимидаги 45 та объект, 131 та касб-ҳунар коллежи ва лицейлар реконструкция қилинди ва капитал таъмирланди. Шунингдек, 55 та болалар мусиқа ва санъат мактаби, 112 та болалар спорти объекти ва 4 та сузиш ҳавзаси фойдаланишга топширилиб, уларнинг барчаси зарур ускуна ва инвентарлар билан жиҳозланди.

Президентимизнинг 2014 йил 6 февралда қабул қилинган **"Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"**ги қарори мустақиллик йилларида бу соҳада олиб борилган ислоҳотларнинг мантиқий ва қонуний давоми бўлиб, бу борадаги ишларнинг янги босқичини бошлаб бермоқда.

Маълумки, амалга оширилаётган ислоҳотлар — мамлакатимизда кучли фуқаролик жамиятига асосланган ҳуқуқий-демократик давлат барпо этишдек мақсадни мамлакатимиз аҳолисининг 60 фоизидан ортиғини ташкил этувчи ёшлар иштирокисиз рўёбга чиқариб бўлмайди. Шунинг учун агар биз эртанги кунимизнинг қандай бўлишини хоҳласак, эртанги кун эгаларининг онгу-шуури, соғлом турмуш тарзи, интеллектуал салоҳияти, ижтимоий ҳимояси ҳақида мунтазам қайғуришимиз лозим.

Зеро, Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, ёшлар — бизнинг таянчимиз, эртанги кундан умидимиз, савоб ишларимизнинг давомчиларидир. Ҳаммамиз ҳам бу дунёда фарзандларимизни деб, уларнинг бахт-саодати, иқболи деб яшаймиз ва меҳнат қиламиз. Нафақат хавфсизлигимиз, шу билан бирга миллий уйғониш ғоясининг амалга ошиши, давлатимизнинг келажакда барқарор бўлиши ҳам ёшларимиз қандай шаклланишига бевосита боғлиқдир.





Давлатимиз раҳбарининг юқорида қайд этилган қарорига биноан мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларда ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш, юксак маънавиятли, мустақил ва эркин фикрлайдиган, замонавий илм-фан ютуқларини пухта ўзлаштирган, ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишга қаратилган ёшларга оид давлат сиёсатини изчил амалга ошириш мақсадида давлат ва жамоат ташкилотларининг таклифларини инобатга олиб "Ўзбекистон Республикасида 2014 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар Дастури" маъқулланди.

Шунингдек, Дастур ижросини таъминлаш бўйича Республика ишчи гуруҳи таркиби ҳам тасдиқланди. Дастур етти бўлим, 67 бандан иборат бўлиб, унда ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнларида уларнинг фаоллигини ошириш, юксак маънавиятли, мустақил фикрловчи, қатъий ҳаётий позиция, кенг дунёқараш ва чуқур билимларга эга бўлган ватанпарвар ёшларни тарбиялаш, уларда турли мафкуравий таҳдидларга қарши иммунитетни шакллантириш, ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш, замонавий касб-ҳунарларни пухта эгаллашлари учун муносиб шароитлар яратиш, уларни иш билан таъминлаш ва тадбиркорликка жалб қилиш, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқаришга қаратилган ишларни тизимли йўлга қўйиш, ёшларни жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишга кенг жалб этиш, ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар содир этилишининг олдини олиш, баркамол авлодни тарбиялашда оммавий ахборот воситалари ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш каби энг муҳим ва долзарб йўналишларда чора-тадбирлар кўзда тутилган.

Дастурда кўзда тутилган чора-тадбирлар кўлами кенг бўлиб, унда соҳага оид қонунчиликни такомиллаштиришга ҳам эътибор қаратилган. Жумладан, унда "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳасини ишлаб чиқиш билан бирга маҳаллалардаги вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссиялар фаолиятини самарали йўлга қўйиш, ёш тадбиркорлар учун "Бизнес-инкубатор"лар ташкил этиш, таълим кредитларини бериш тизимини янада такомиллаштириш, ёшлар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шарт-шароитларини таҳлил қилиш, эрта никоҳларнинг олдини олиш каби муҳим чора-тадбирлар белгилаб берилган.

Мухтасар қилиб айтганда, амалга оширилаётган бу ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад — фарзандларимизни биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишига замин яратишдан иборатдир. Ўз навбатида, бу уларнинг мамлакатимиз истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган, Ватан туйғусини чуқур англайдиган, иродаси мустаҳкам, юксак маънавиятли инсон бўлиб вояга етишига хизмат қилади.

Миравзал МИРАКУЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бўлим бошлиғи, юридик фанлар номзоди

Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш жараёнида инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, бу борада мустаҳкам ҳуқуқий асосларнинг яратилгани амалда кутилган самараларни бермоқда.

Qonun ko`magi

Инсон манфаатлари муҳофазада

Айтиш жоизки, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини самарали ҳимоя қилиш борасида давлат органлари, хусусан, адлия идоралари ҳам муҳим ўрин тутади.

Президентимизнинг 2011 йил 23 августдаги қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисида"ги Низомда Адлия вазирлигининг асосий вазифаларидан бири фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни таъминлашга йўналтирилган ягона давлат сиёсатини изчил амалга оширишдан иборат эканлиги белгилаб қўйилган.

Бу борада Жиззах вилояти адлия бошқармаси томонидан ҳам муайян ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Айтиш керакки, адлия бошқармаси томонидан фуқароларнинг мурожаатлари қонуний муддатларда кўриб чиқилиб, ҳал этилмоқда. Масалан, Жиззах шаҳрида яшовчи Д. Нуруллаев вилоят адлия бошқармасига мурожаат қилиб, "Агробанк"нинг Жиззах вилояти ҳудудий филиалига ҳужжатлар тақдим этган бўлса-да, таълим кредити ажратилмаётганини билдирган. Ушбу мурожаат юзасидан ўрганиш ўтказилганда, "Агробанк"нинг Жиззах вилояти ҳудудий филиали томонидан Вазирлар Махкамасининг 1999 йил 29 мартдаги "Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида иш юритиш ва ижро назоратини ташкил этиш бўйича норматив ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори талаблари бузилганлиги аниқланди. Д.Нуруллаевнинг таълим кредити ажратишда амалий ёрдам кўрсатишни сўраб ёзган аризаси филиалнинг кредит бўлими бошлиғи F.Муҳиддиновга белгиланган тартибда кўриб чиқиб, хулоса бериш ва қўмитага тақдим этиш учун топширилган бўлса-да, ариза мурожаатларни рўйхатга олиш китобига кирим қилинмагани маълум бўлди.

Мазкур қонунбузилиш ҳолатига йўл қўйган филиалнинг кредит бўлими бошлиғи F.Муҳиддиновга нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 43-моддасига асосан, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома расмийлаштирилиб, кўриб чиқиш учун жиноят ишлари бўйича Жиззах шаҳар судига юборилди ва суднинг 2013 йил 23 декабрдаги маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги қарори билан айбдорга нисбатан энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдорида жарима жазоси тайинланди.

Бинобарин, Жиззах вилояти адлия бошқармасининг кўмаги билан "Агробанк"нинг Жиззах вилояти ҳудудий филиали томонидан Д.Нуруллаевга таълим кредити берилиши таъминланди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, юртимизда инсон манфаатлари устувор бўлиб, уни рўёбга чиқариш йўлида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Аъзам БАЙБЕКОВ,
Жиззах вилояти адлия бошқармаси Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими бош маслаҳатчиси

Muloqot

Газетхон савол беради...

— Айтинг-чи, айирбошлаш шартномаси деб қандай шартномага айтилади?

З.БОЛТАЕВ,
Навбаҳор тумани

— Айирбошлаш деб шундай шартномага айтиладики, унга кўра, шартномада қатнашувчи ҳар бир тараф бошқа тарафга бир товарни бошқа товарга алмаштириш йўли билан мулк қилиб топшириш мажбуриятини олади (Фуқаролик кодексининг 497-моддаси). Унинг моҳияти шундаки, шартнома предмети бўлган биронбир товар иккинчи тарафга, одатдагидек, мазкур товар қийматини умумий эквиваленти бўлган ёки унга деярли тенг келадиган бошқа бир товарга айирбошланади.

Саволга юридик фанлар номзоди С.НИЁЗОВА жавоб берди.

Fuqarolik qonunchiligi

Қарз шартномаси

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Агар тарафлар ўртасида тузилган қарз шартномасида қарз берувчи олинган шу суммадан тегишли миқдорда ҳақ олиши, фоиз ҳисобида ёки бошқа шаклда манфаатдор бўлиши белгиланган бўлса, у қонунга асосан фоиз олиши мумкин. Фоизлар тўлаш тартиби ва муддатлари қарз шартномасида кўрсатилади. Агар шартномада фоиз миқдори кўрсатилмаган бўлса, қарз берувчининг фоиз тўлашни талаб қилишига йўл қўйилмайди.

Бугунги кунда суд амалиётида қарз шартномаси билан боғлиқ низолар керак. Уларнинг аксарияти фуқароларнинг қарз шартномаси хусусида етарли тасаввурга эга эмаслиги туфайли келиб чиқаётганини таъкидлаш зарур. Масалан, даъвогар З.Собирова судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар В.Эргашева 2012 йилнинг сентябрь ойида ундан 560 минг сўм қарз олганини, бу тўғрида жавобгарнинг тилхати мавжудлигини, бироқ жавобгар 2013 йил июнь ойига қадар олган қарзини қайтариб бермаганини баён қилиб, жавобгардан асосий қарз ва банк фоизи ставкасида фоиз ундиришни сўраган.

Жавобгар В.Эргашева суд мажлиси бўлиб ўтадиган вақт ва жой тўғрисида хабардор қилинган бўлишига қарамасдан судга келмаганлиги сабабли суд унинг иштирокисиз, ишни сиртдан иш юритиш тартибида кўриш ҳақида ажрим чиқарган. Фуқаролик ишлари бўйича Зарафшон туманлараро судининг 2013 йил 25 июндаги сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорига асосан, даъвогар З.Собированинг даъвоси қисман қаноатлантирилган.

Шунингдек, даъвогар Г.Курманова судга даъво ариза билан мурожаат қилиб, 2001 йилдан буён Зарафшон шаҳар 6-кичик туманда жойлашган 12-сонли ётоқхонада ўз оиласи билан бир хонада яшаб келишини, уч нафар фарзанди борлигини, С.Ўринова унга ҳокимиятда таниши борлигини, беш миллион сўм пул берсангиз, квартира олиб бераман, деб ваъда берганини, жавобгарнинг лафзига ишониб, унга 3,5 миллион сўм пул берганини, бироқ орадан кўп йиллар ўтса-да, натижа бўлмаганини, ушбу масалани ҳал этишда ёрдам беришни сўраган.

Суд мажлисида жавобгар С.Ўринова даъво аризасида баён этилган фикрларни тан олиб, ҳақиқатан ҳам, даъвогар Г.Курманова таниши эканини, ундан пул олиб бошқа танишига берганини, бироқ у ишни бажара олмаганини, энди шу пулни даъвогарга қайтариб беришини маълум қилди.

Фуқаролик ишлари бўйича Зарафшон туманлараро судининг 2013 йил 20 декабрдаги ҳал қилув қарорига асосан, даъвогар Г.Гурманованинг даъвоси тўлиқ қаноатлантирилди.

Qonun ijodkorligi

Қонун лойиҳасини такомиллаштириш

бу борада ҳуқуқий эксперимент муҳим аҳамият касб этди

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Буларнинг барчаси, ўз навбатида, мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва кучли фуқаролик жамиятни ривожлантириш, жумладан, ахборот ва сўз эркинлигини изчил таъминлашга хизмат қилаётгани билан янада эътиборлидир.

Президентимиз томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциядаги ғоя, таклиф ва қонунчилик ташаббусларининг ҳаётга босқичма-босқич жорий этилаётгани бу борадаги ислоҳотларни сифат жиҳатидан янада янги босқичга олиб чиқмоқда. Айниқса, Концепцияда белгиланган "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши бу борада алоҳида аҳамиятга эгадир.

Президентимизнинг 2013 йил 20 мартдаги "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси синови бўйича ҳуқуқий эксперимент ўтказиш ҳақида"ги Фармойиши асосида Самарқанд ва Бухоро вилоятларида ҳуқуқий эксперимент ўтказилди. Ушбу демократик усул давлат органлари фаолиятининг очиқлиги, ошкоралигини, ундан оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти институтлари кенг фойдаланишини таъминлашга қаратилган қонун лойиҳаси нормалари самарадорлигини аниқлаш, қонун лойиҳасини такомиллаштириш, уни самарали қўллаш механизмларини яратиш, ҳуқуқий эксперимент усулларини қонун ижодкорлиги жараёнига жорий қилиш бўйича таклифлар тайёрлаш имконини берди.

Махсус Ишчи комиссияси йиғилишлари, халқаро конференциялар, давра суҳбатлари, семинарлар ва оммавий ахборот воситаларида қонун лойиҳаси батафсил муҳокамадан ўтказилди. Қонун лойиҳасининг мазмун-моҳияти, экспериментни ўтказиш механизмлари ҳақида тушунтириш, тарғибот тадбирлари ташкил этилди. Умуман айтганда, қонун лойиҳасини тайёрлаш жараёни кенг жамоатчилик иштирокида ўтиб, ривожланган демократик давлатлар тажрибаси ўрганилди, ахборот ҳуқуқи соҳасида фаолият юритаётган халқаро ташкилотлар тавсиялари инобатга олинди. Буларнинг барчаси халқаро экспертлар томонидан юқори баҳоланди.

Хусусан, экспертлар қонун лойиҳасида давлат органларининг расмий ахборот манбаларига тенглаштирилаётган веб-сайтни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш бўйича мажбуриятлари алоҳида белгилаб қўйилаётганини эътироф этишди. Расмий веб-сайтларда норматив ҳужжатлар, ўтказиладиган тадбирлар, кўрсатиладиган хизматлар, халқаро шартномалар ҳақида ахборотлар, очиқ тендерлар, бўш иш ўринлари ҳақида маълумотлар ва бошқалар жойлаштирилади. Фуқаролар давлат органи сайтига кириб, ушбу идора раҳбарлари, уларнинг телефон рақамлари ва манзиллари ҳақида маълумот, давлат органи томонидан қабул қилинадиган аризалар, бланклар ва бошқа ҳисоботлар шакллари, шунингдек, фуқароларни қабул қилиш тартиби ҳақида ахборот олиши мумкин. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг расмий веб-сайти ҳам юқоридаги талабларга тўлиқ жавоб бериши билан бирга суд-ҳуқуқ тизимига оид ислоҳотларни, фаолиятлар тўғрисидаги маълумотларни ва ахборотларни мунтазам равишда жойлаштириб келмоқда. Умуман олганда, суд ишларида замонавий ахборот технологияларини кенг татбиқ этиш, уларнинг имкониятларидан самарали фойдаланиш бугунги куннинг асосий талабига айланиб бормоқда. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг "Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида қонунчиликка зарур ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Айтиш керакки, ҳуқуқий эксперимент ўтказиш доирасида қонун лойиҳаси қоидаларини амалий жиҳатдан қайта ишлаш, давлат органлари фаолиятининг очиқлиги, ошкоралигини таъминлаш бўйича унинг нормалари самарадорлигини баҳолаш, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари, аҳолининг уларнинг фаолияти тўғрисидаги ахборотни эркин олиши бўйича кўпгина чора-тадбирлар амалга оширилди. Унда депутатлар, сиёсий партиялар, нодавлат-нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари фаол иштирок этдилар. Аҳоли ва кенг жамоатчилик томонидан қонун лойиҳасини такомиллаштириш юзасидан кўплаб таклиф ва фикр-мулоҳазалар келиб тушди. Куни кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан муҳокама этилган "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди. Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, қонун лойиҳасининг 6-моддасида давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборот манбаларидан бири сифатида давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг расмий веб-сайти материаллари кўрсатиб ўтилган. Қонун лойиҳасининг 9-моддасида эса, давлат ҳокимияти ва бошқарув органининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни расмий веб-сайтда жойлаштириш ва янгилаш давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлашнинг асосий усулларидан бири эканлиги мустаҳкамлаб қўйилган. Айни чоғда 10-моддада давлат ҳокимияти ва бошқарув органининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни ошкор қилиш (эълон қилиш) қонун ҳужжатларига мувофиқ оммавий ахборот воситалари, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг расмий веб-сайти орқали жиҳатдан қайта ишлаш, давлат органлари фаолиятининг очиқлиги, ошкоралигини таъминлаш бўйича унинг нормалари самарадорлигини баҳолаш, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари, аҳолининг уларнинг фаолияти тўғрисидаги ахборотни эркин олиши бўйича кўпгина чора-тадбирлар амалга оширилди. Унда депутатлар, сиёсий партиялар, нодавлат-нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари фаол иштирок этдилар. Аҳоли ва кенг жамоатчилик томонидан қонун лойиҳасини такомиллаштириш юзасидан кўплаб таклиф ва фикр-мулоҳазалар келиб тушди. Куни кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан муҳокама этилган "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди. Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, қонун лойиҳасининг 6-моддасида давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборот манбаларидан бири сифатида давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг расмий веб-сайти материаллари кўрсатиб ўтилган. Қонун лойиҳасининг 9-моддасида эса, давлат ҳокимияти ва бошқарув органининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни расмий веб-сайтда жойлаштириш ва янгилаш давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлашнинг асосий усулларидан бири эканлиги мустаҳкамлаб қўйилган. Айни чоғда 10-моддада давлат ҳокимияти ва бошқарув органининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни ошкор қилиш (эълон қилиш) қонун ҳужжатларига мувофиқ оммавий ахборот воситалари, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг расмий веб-сайти орқали амалга оширилиши кўрсатиб ўтилган.

Энг асосийси, қонун лойиҳасининг 11-моддасида давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг расмий веб-сайти мақоми, унинг таркиби аниқ ўз ифодасини топган. Унга кўра, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг расмий веб-сайти бу органга тегишли ва унинг фаолияти тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олган Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғидаги ҳамма фойдаланиши мумкин бўлган ресурс ҳисобланади.

Расмий веб-сайтдаги ахборот давлат тилида тақдим этилиши керак. Расмий веб-сайт бошқа тиллардаги версияларга ҳам эга бўлиши мумкин. Расмий веб-сайтда давлат ҳокимияти ва бошқарув органи томонидан жойлаштириладиган ахборотга сана қўйилиши ва у мунтазам янгиланиб турилиши керак. Ахборотни янгилаш тезлиги давлат ҳокимияти ва бошқарув органи томонидан белгиланади, аммо ҳафтасига камида бир мартадан кам бўлмаслиги керак.

Шунингдек, қонун лойиҳасида давлат ҳокимияти ва бошқарув органининг раҳбари расмий веб-сайтда жойлаштириладиган ахборотнинг ҳаққонийлиги учун жавобгар эканлиги ҳам белгилаб қўйилган.

Самарқанд ва Бухоро вилоятларида қонун лойиҳаси синови бўйича ўтказилган ҳуқуқий эксперимент давомида мазкур модда ижросига алоҳида эътибор қаратилди. Бу эса, маҳаллий давлат органлари расмий веб-сайтларини ташкил этиш, уларни такомиллаштиришга қаратилган ташкилий-техник чора-тадбирлар мисолида намоён бўлди.

Шу ўринда алоҳида қайд этиш жоизки, ушбу ҳуқуқий тажриба бошланган дастлабки пайтларда давлат органларининг аксариятида ахборот хизматлари ва расмий веб-сайтлари ҳали мавжуд бўлмаган. Эксперимент доирасида қилинган ишлар натижасида Самарқанд вилоятида ҳуқуқий экспериментда иштирок этаётган 91 та субъектдан 58 таси интернет тармоғида ўзининг расмий веб-сайтлари, 26 та субъект эса юқори турувчи ташкилотларининг веб-сайтлари таркибида ўз веб-саҳифаларини очди. Бухоро вилоятидаги 89 та субъектдан 47 таси ўз расмий веб-сайтлари, 36 та субъект эса юқори турувчи ташкилотларининг веб-сайтлари таркибида ўз веб-саҳифаларини ташкил этди. Чунончи, вилоятлардаги бир қатор эксперимент субъектлари ўз фаолияти ҳақида интернет-саҳифаларида ҳар ҳафтада камида бир маротаба ахборотларни янгилаб, идоранинг ташкилий тузилмаси, раҳбарияти (боғланиш телефонлари, расмий электрон почта манзили билан бирга), аҳолига кўрсатиладиган интерактив хизматлар рўйхати, уларни амалга ошириш тартиби ва бошқа маълумотларни мунтазам равишда тақдим этиб борди.

Қонун лойиҳаси экспериментида ҳамда фуқаролик субъектларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига ахборот сўрови билан қилаётган мурожаатлари ўсгани кузатилди. Уларнинг сўровларига ўз муддатида, ҳатто ундан олдин жавоб беришда илғор ахборот-коммуникация технологиялари қўл келмоқда.

Хулоса ўрнида айтганда, қонун лойиҳаси синови бўйича қизғин давом этган ҳуқуқий тажриба фуқароларнинг сўз ва ахборот эркинлигига оид конституциявий ҳуқуқларини янада тўлиқ рўёбга чиқариш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти, мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг очиқлигини таъминлаш, уларнинг ахборот хизматлари ва расмий веб-сайтлари фаолиятини янада такомиллаштириш, давлат органлари томонидан қабул қилинаётган, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинлиги ва қонуний манфаатларига дахлдор қарорлар тўғрисида аҳолини кенг хабардор этиш имкониятларини жадал оширди. Шубҳасиз, буларнинг барчаси мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштиришда салмоқли ўрин тутади.

Олимжон ЎСАРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Тинчлик ва осойишталик – бебаҳо неъмат

уни таъминлашнинг ҳуқуқий асослари янада такомиллаштирилди

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Бироқ тинчликни сақлаш ўз-ўзидан бўладиган иш эмас. Чунки дунёда мамлакатимизнинг тинчлигини, ривожланаётганини кўра олмайдиган, унга раҳна солиши мумкин бўлган кучлар ҳам йўқ эмас. Трансмиллий жиноятлар сирасига кирувчи терроризм ана шундай хавфлардан биридир.

Аслида терроризм - сиёсий, диний, мафкуравий ва бошқа мақсадларга эришиш учун инсон ҳаётига хавф туғдирибгина қолмай, халқаро муносабатларни мураккаблаштириши баробарида, давлатнинг суверенитети, ҳудудий яхлитлигига путур етказиб, тинч аҳолини таҳлика остида қолдиради ва ижтимоий-сиёсий вазиятни издан чиқаради.

Мамлакатимизда бу офатга қарши изчиллик билан кураш олиб борилмоқда. Энг асосийси, бу борада мустаҳкам ҳуқуқий асосларнинг яратилгани амалда ўз самарасини бермоқда. Чунончи, Жиноят кодексининг 155-моддасида терроризм ҳаракатларини содир этган шахсларга нисбатан жиноий жавобгарлик белгиланган.

Айтиш керакки, бугунги кунда дунё миқёсида олиб қараганда, терроризм балосининг кучайиб бораётганини кузатиш мумкин. Шу боис бу жиноятнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш мақсадида Жиноят кодексига тегишли ўзгартишлар киритилди. Жумладан, 2014 йил 21 январдан эътиборан кучга кирган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунга мувофиқ, Жиноят кодекси тайёрланаётган ёки содир этилган террорчилик ҳаракатлари тўғрисидаги маълумотлар ва фактларни хабар қилмаслик ҳамда террорчилик фаолиятини амалга ошириш мақсадида ўқувдан ўтганлик учун жавобгарлик чораларини белгиловчи моддалар билан тўлдирилди. Унга кўра, аниқ маълум бўлган тайёрланаётган ёки содир этилган террорчилик хусусиятига эга жиноят тўғрисида хабар қилмаганлик учун энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорида жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланди.

Террорчилик хусусиятига эга жиноятларга нисбатан ўша қилмиш: одам ўлимига, бошқа оғир оқибатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Шунингдек, террорчилик фаолиятини амалга ошириш мақсадида ўқувдан ўтиш, шу жумладан, мазкур жиноятларни содир этиш билимини, амалий маҳоратини ва кўникмаларини эгаллаш, ўқув чоғида қурол-яроғ, портлатиш қурилмалари, портловчи, заҳарловчи, атрофдагилар учун хавф туғдирадиган бошқа моддалар ва буюмлар билан муомала қилиш усулларини ўрганган шахсларга нисбатан энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорида жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд беш йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланади.

Шу билан бирга, ушбу жиноятни содир этган шахс, агар у террорчилик фаолиятини амалга ошириш ёхуд мазкур жиноятлардан бирини содир этиш мақсадида ўтказилаётганлиги ўзи учун аён бўлган ўқувдан ўтганлиги тўғрисида ҳокимият органларига ихтиёрий равишда хабар қилса, содир этилган жиноятни фош қилишга ёки бундай ўқувдан ўтган, бундай ўқувни амалга оширган, ташкил этган ёхуд молиялаштирган бошқа шахсларни, шунингдек, ўқув ўтказилган жойни аниқлашга фаол кўмаклашса ва унинг ҳаракатларида жиноятнинг бошқа таркиби мавжуд бўлмаса, жиноий жавобгарликдан озод қилиниши назарда тутилмоқда.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, террористик ҳаракатларга нисбатан жиноий жавобгарликнинг кучайтирилганлиги мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлигига, халқимизнинг тинч ва осойишта турмуш кечиришини таъминлашга хизмат қилади.

Саодат ХУДОЙҚУЛОВА,
Олий суд ҳузуридаги Тадқиқот маркази бош консультанти

Mezon

Меҳнат ҳуқуқи

унинг кафолатли ҳимояси иш унумини оширишда муҳим ўрин тутади

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Меҳнат шартномасини тарафларнинг келишувига асосан бекор қилишда эса, келишувнинг ихтиёрий бўлиши ва ҳар икки тарафнинг меҳнат шартномасини бекор қилишга хоҳиш билдириши муҳимдир.

Ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан, меҳнат шартномасини огоҳлантириш муддати тугамасдан олдин ҳам бекор қилиш мумкин.

Агар огоҳлантириш муддати тугаганидан сўнг ходим билан меҳнат шартномаси бекор қилинмаган ва меҳнат муносабатлари давом этаётган бўлса, ходимнинг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги ариза ўз кучини йўқотади, бундай вазиятда меҳнат шартномасини шу аризага мувофиқ бекор қилишга йўл қўйилмайди.

Башарти ходим билан меҳнат шартномаси иш берувчининг ташаббусига кўра, касаба уюшмаси ёки бошқа вакиллик органининг розилигисиз ёки корхона ходимларининг маҳаллий меҳнат органини хабардор этмаган ҳолда бекор қилинса, суд томонидан меҳнат шартномаси қонунга хилоф тарзда бекор қилинган, деб топилади, Шунинг баробарида бундай ноқонуний хатти-ҳаракат ходимни ишга тиклаш, унга етказилган зарарни ундириб бериш тўғрисида қарор чиқариш учун асос бўлади.

Шу ўринда мисолларга мурожаат этсак, даъвогар С.Мираҳметова жавобгар "Водийгазтаъминот" унитар корхонасининг "Наманганшаҳаргаз" филиалига нисбатан ишга тиклаш ва мажбурий равишда бекор юрган вақти учун иш ҳақи ундириб бериш тўғрисидаги даъво аризаси билан судга мурожаат қилган.

Суд мажлисида аниқланган ҳолатлар ва ишдаги мавжуд ҳужжатларга кўра, "Наманганшаҳаргаз" филиали собиқ бошлиғининг ходимлар иш ўрнини қисқартириш тўғрисидаги буйруғига асосан, меҳнат қонунчилигига мувофиқ, лавозимлари қисқартирилаётган ходимлар икки ой муддатдан сўнг меҳнат шартномаси бекор қилиниши ҳақида огоҳлантирилган бўлса-да, уларнинг аниқ рўйхати тузилмаган.

Даъвогар С.Мираҳметова "Наманганшаҳаргаз" филиалининг 2013 йил 3 июндаги буйруғига биноан, эгаллаб турган вазифасидан озод қилинган. Меҳнат кодексининг 102-моддасига асосан, меҳнат шартномасини иш берувчи ташаббуси билан бекор қилиш тўғрисида С.Мираҳметова камида икки ой олдин огоҳлантирилиши лозим бўлса-да, судга тақдим қилинган огоҳлантириш хатида унинг санаси кўрсатилмаган. Бу ҳам етмагандек, суд мажлиси чоғида огоҳлантириш хатига С.Мираҳметова шахсан ўзи имзо қўймагани аён бўлди.

Суд Меҳнат кодексининг 101-моддаси талабига кўра, касаба уюшмасининг даъвогарни ишдан бўшатиш учун розилиги масаласини муҳокама қилиш чоғида С.Мираҳметованинг қатнашмаганини, иш берувчи томонидан даъвогарга бошқа иш ўрни таклиф этилмаганлигини, Меҳнат кодексининг 103-моддаси талаблари бузилганлигини, даъвогарга меҳнат дафтарчаси берилмаганлигини инобатга олиб, даъвони қаноатлантиришни лозим деб топди. Шунингдек, жавобгар "Водийгазтаъминот" унитар корхонасининг Наманган шаҳар филиалидан даъвогар С.Мираҳметованинг фойдасига 2013 йил 3 июндан 17 октябрга қадар мажбурий бекор юрган вақти учун ойлик иш ҳақи ундирилиши белгиланди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, меҳнат ҳуқуқининг тўлиқ ҳимоя қилиниши нафақат ходимлар, айни чоғда иш берувчининг қонуний манфаатларини таъминлаш, иш унумдорлигини ошириш ва халқимизнинг турмуш фаровонлигини янада юксалтириш имконини беради.

Туйғун ҚУРБОНОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Наманган вилояти судининг судьяси

Бу ҳаётда ҳалол меҳнат қилган одам нафақат фаровон умр кечиради, балки эл-юрт, ҳамкасблари орасида обрў-эътибор топади. Албатта, бундай мартабага етишиш ўз-ўзидан бўлмайди. Бунинг замирида фидойилик, сабр-бардош, ҳамиша эзгу ва савоб ишларга бош қўйиш каби инсоний фазилатлар ётади.

ва унинг шакллари



Бундан ташқари даъвогар Ю.Қаюмов ҳам судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, унда Ф.Ражабов 2012 йилнинг 19 май куни уйига пул сўраб келганини, уйда йиғиб юрган маблағини жавобгарга бериб юборганини, ушбу қарзни у бир кунда қайтариб бераман, деб тилхат ёзиб берганини, бироқ шу кунга қадар турли баҳоналар билан қайтариб бермаганини қайд этиб, жавобгардан 1 миллион 160 минг сўм асосий қарз, юридик хизмат учун тўланган 200 минг сўм, 40 минг сўм тўланган давлат божи ҳамда 300 минг сўм маънавий зарарни ундириб беришни сўраган.

Фуқаролик ишлари бўйича Зарафшон туманлараро судининг 2013 йил 29 июлдаги сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорига асосан, даъвогар Ю.Қаюмовнинг даъвоси қисман қаноатлантирилган.

Олий суд Пленумининг 2000 йил 28 апрелдаги "Маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"ги қарорининг 13-банди 3-қисмида қарз шартномасидан келиб чиққан мажбурият пул мажбурияти бўлиб, уни бажармаганлик учун жавобгарлик Фуқаролик кодексининг 327-моддасида белгиланганлиги сабабли қарз олувчининг шартнома бўйича мажбуриятни бузганлиги қарз берувчининг маънавий зарарни қоплаш ҳуқуқини истисно этиши тўғрисида тушунтириш берилган. Шунга кўра, биринчи босқич суди томонидан даъво талабларининг асосий қисми қаноатлантирилиб, даъвонинг маънавий зарарни ундириш тўғрисидаги қисми асосли равишда рад этилган.

Хулоса қилиб айтганда, қонунларга таяниб иш кўрган киши ҳар қандай шароитда ҳам ўз ҳуқуқи бузилмаслигига, бузилса ҳам уни қонуний йўл билан тиклашга, албатта, эришади. Шундай экан, қонунийлик ҳаётимиз мезони бўлса, ҳуқуқларимиз таъминланишини доимо ёдда тутайлик.

Ғ.МИРЗАЕВ,
фуқаролик ишлари бўйича Зарафшон туманлараро судининг судьяси

Jinoyat va jazo

Умр мазмуни ҳалолликда

эгрилик эса, пушаймонлик келтиради

Суд очерки

Аммо ҳаётда баъзан нафс қутқусига учиб, ноқонуний қилмишга қўл урадиган ва оқибатда юзшувит бўлиб қоладиган кимсалар ҳам учраб туради. Ҳамза Шайқулов ҳам бир неча йиллар давлат идораларида ишлади. У ўз меҳнат фаолияти давомида наинки ҳамкасблари, балки маҳалла-кўй орасида ҳам ҳурмат қозонди. Шу боис унинг маҳалла оқсоқоли этиб тайинланиши барчага маъқул келди.

Маълумки, бугунги кунда маҳаллаларга кенг имкониятлар яратилиб берилмоқда. Жумладан, вояга етмаган болалари бўлган оилаларга нафақалар тайинлаш, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам бериш, ишламайдиган оналарга бола икки ёшга етгунга қадар уни парвариш қилгани учун ойлик нафақа белгилаш ҳам маҳалла фуқаролар йиғини ваколатига берилгани фикримиз исботидир.

(Давоми тўртинчи бетда)

Ахборот бозоридан ким нима «харид» қилмоқда?

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Мамлакатимизда ҳам мазкур тармоқдан фойдаланувчилар сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Мисол учун 2013 йили Тошкент вилоятида интернетдан фойдаланувчилар сони 61 минг 26 нафарга ошган, бир минг тўқсон иккита маҳаллий давлат ҳокимияти органи ва хўжалик юритувчи субъект тармоққа уланган. Бу, бир томондан, халқимизнинг дунёга фаол интеграциялашаётганини кўрсатса, иккинчи томондан, интернетда ишлаш маданиятини янада юксалтиришни талаб этади.

Медалнинг икки томони

Бугун интернетнинг фойдали жиҳатлари ҳақида гапириш ортиқча. У орқали юртимиз ва дунёда бўлаётган янгилик ва ўзгаришлар ҳақида тезкор маълумотга эга бўлиш, самолётга чипта, ўзга қитъадаги меҳмонхонадан жой буюртириш, хориждаги корхонадан маҳсулот сотиб олиш мумкин ва ҳоказо.

...Ўтган йили ёзда Хатирчининг тоғли ҳудудида жойлашган қишлоқда яшовчи аммамникида меҳмон бўлдим. Кечки пайт аммам тўнғич фарзанди Камолнинг ноутбукида "Skape" дастури ёрдамида Жанубий Кореядаги ўғли Валига видеокўнғироқ қилиб, туғилган куни билан табриклади. Валини кўрмаганимга икки йил бўлганди, анча семирибди.

Ҳа, интернетнинг бу каби кенг имкониятларидан юртимизнинг энг чекка қишлоқларида истиқомат қилаётган аҳоли ҳам кенг фойдаланмоқда.

Халқ орасида медалнинг икки томони бор, деган ибора мавжуд. Худди шундай энди интернетнинг бошқа жиҳати ҳақида сўз юритсак. Тиббиёт ходимларининг айтишича, интернетга ружу қўйган одамнинг кўриш, эшитиш, ҳис қилиш ва бошқа органларига путур етади. Хасталик хуруж қилганда инсон жисмоний ва руҳий жиҳатдан зўриқади. Энг ёмони, ижтимоий, оилавий ва шахсий ҳаётидаги зиммасига юкланган мажбуриятларни бажаришга масъулиятсизлик билан қарайди.

Хориж оммавий ахборот воситаларидан бирида интернет қаршисида соатлаб ўтирган боланинг ҳаётдан кўз юмгани ҳақида хабар тарқатилди. Жанжаллашиб қолган синфдошининг кўксига пичоқ қадаб ўлдирган 15 ёшли ўсмирнинг қилмиши хусусида ёзилган мақолада қотил бу ишга тармоқдаги "машҳур" компьютер ўйинлари таъсирида қўл ургани айтилган.

Албатта, бу каби аянчли ҳолатлар дунё жамоатчилигини ташвишлантирмоқда. Бу борада тегишли чоралар кўрилаётир. Шунга қарамай, тармоқда ҳаммани, айниқса, болаларни оҳанрабодек ўзига ром этадиган янгидан-янги, ранг-баранг ва жозибадор сайтлар, ўйинлар кўпаймоқда. Улар беҳаё тасвирлар, жангари саҳналар, ур-йиқитларга бойлиги билан ёшларни ўзига жалб этмоқда, уларнинг одоб-ахлоқини бузмоқда.

"Видеодаҳшат"ларни кўрган бола

Тошкент вилоятида ҳам компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологиялари жадал ривожланмоқда. Кўплаб интернет-клуб ва кафелар ишлаб турибди. Шундай масканларнинг ўнга яқини Янгийўл шаҳрида фаолият юритмоқда.

...Шаҳарнинг Самарқанд кўчасидаги "Ҳамкор" хусусий фирмасининг интернет-клубига кирдим. Мижозлар учун барча зарур шарт-шароит яратилган. Интернетга уланган компьютерлар қаршисида ўтирганлар орасида тўрт нафар 10-16 ёшли ўғил-қизга кўзим тушди. Улар нима билан бандлигига қизикдим: бири ўйин ўйнаяпти, бошқаси мусиқа тингламоқда. Икки нафари ўз билимини бойитиш, ақлини чархлаш учун келгани шундоқ кўриниб турибди.

Компьютер мониторидан кўз узолмаётган бу ёшлар билан суҳбатлашиш мавриди эмаслигини ҳис қилиб, кўчага чиқдим. Чамаси, беш юз метрлар наридаги 64-умумтаълим мактабининг дарвозаси қаршисида иккинчи сменага дарс бошланишини кутиб турган ўқувчиларни гапга солдим.

— Интернетга аниқ мақсад билан кириш керак, — дейди улардан бири, 8-синф ўқувчиси Азамат Иноғомов. — Агар мақсадингиз бўлмаса, у сизни бошқаради. Албатта, ўз фикр ва мақсади бор одам тармоқни ўз йўриғига солади.

Маълумки, интернетдан ҳамма ҳам мақсадли ва самарали фойдаланмайди. Азаматнинг мактабдоши Бекзод бунга мисол.

— Уйдагилар ҳар куни йўл ва нонушта учун пул беради, — дейди у. — Мактабга пиёда келиб-кетиб, ҳеч нарса емай орттирган ана шу пулга интернет-клуб ёки кафега кираман. Ўзим қизиққан "Видеодаҳшат"ларни кўраман, муштлашув ва отишмаларга бой ўйинларни ўйнайман. Маза...

Ўқувчилар билан суҳбатдан сўнг бир минг 880 нафар ўқувчи таълим олаётган 64-умумтаълим мактаби директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Гулчеҳра Исаева билан учрашдим.

— Назоратсиз қолган бола ҳар хил ишга қўл уриши мумкин, — дейди Г.Исаева. — Шу боис ўқувчиларимизнинг мактаб ва маҳалла ҳудуди ҳамда уйида назорат қилиш бўйича олиб бораётган ишларимизни янада кучайтирмоқдамиз. Бу борадаги ишлар доирасида уларнинг интернет тармоғидан фойдаланиш бўйича билим ва кўникмасини оширишга қаратилган тадбирлар ўтказиш, ўқувчиларимизга таълим порталлари бўйича маълумотлар бериш режалаштирилган.

Психологларнинг айтишича, болаларни узлуксиз назорат қилиш зарур. Айтайлик, йўлкира ва нонушта учун берган пулимизни нимага сарфлаганини доимо сўрабсуриштирсак, фанларни ўзлаштиришига жиддий эътибор қаратсак ва бу борада кўмак берсак, у биз истаган, ўзимиздан кўра билимли ва кучли инсон бўлиб вояга етади. Демак, назорат ва таълим-тарбияга кўп нарса боғлиқ.

"Ҳозир тарбия масаласига эътибор қилинмаса, келажак бой берилади. Тарбиядан ҳеч нарсани аямаймиз".

Парламентимизнинг 1992 йил 4 январда бўлиб ўтган навбатдан ташқари IX сессиясида Президентимиз Ислом Каримов томонидан айтилган бу сўзлар ҳозир ҳам долзарб.

Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

Мамлакатимизда ёшларнинг турли фан ва спорт тўгаракларига қатнашиши, бандлиги ҳамда касб-ҳунар ўрганишини таъминлаш, уларни тадбиркорликка кенг жалб этиш масалаларига устувор вазифа сифатида қаралмоқда.

Фарзандларимиз, хусусан, ёш веб-ихтирочилар моддий ва маънавий қўллаб-қувватланмоқда. Интернетда миллий веб-сайтларни яратишга қаратилган кўрик-танловлар ўтказилмоқда. "ZiyoNet" жамоат ахборот таълим тармоғи ёшларга ахборот-коммуникация хизматларини кўрсатиш бўйича салмоқли ишларни амалга оширмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 6 февралда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бу борадаги ишларни янада такомиллаштириш ва янги босқичга кўтаришга хизмат қилаётир. Ушбу ҳужжатда юксак маънавиятли, мустақил ва эркин фикрлайдиган, замонавий илм-фан ютуқларини пухта ўзлаштирган навқирон авлод вакилларини вояга етказишга алоҳида эътибор қаратилган.

Бу ишлар замирида ёшларимизни ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол инсонлар этиб тарбиялаш, шунингдек, турли ёт ғоялар таъсирига тушиб, боши берк кўчаларга кириб қолишидан асраш-дек олижаноб мақсад мужассам.

— Бугунги кунда интернет орқали тарғиб қилинаётган турли ғоявий ва ахборот хуружларидан ёшларимизни ҳимоя қилиш янада долзарб аҳамият касб этмоқда, — дейди "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент вилояти кенгашининг раиси О.Худойбердиев. — Бу масалага алоҳида эътибор қаратиб, йигит-қизларнинг ижтимоий-сиёсий саводхонлиги ва фаоллигини ошириш, уларда мамлакатимизда рўй бераётган ўзгаришларга дахлдорлик ҳиссини кучайтириш, миллий қадрият ва анъаналаримизга асосланган мустаҳкам сиёсий, маънавий-маърифий ҳамда мафкуравий иммунитетни шакллантиришга бағишланган давра суҳбатлари, учрашув ва семинар-тренинглар ўтказмоқдамиз.

Таълим муассасалари ва маҳаллаларда ташкил этилаётган бундай тадбирларда носоғлом руҳдаги ахборотлар ёшлар тарбиясига, уларнинг ахлоқига, онги ва тафаккурига катта зарар етказиши, улардан эҳтиёт бўлиш, энг муҳими — доимо ҳушёр ва огоҳ бўлиш зарурлиги ҳақида сўз юритилмоқда.

...Дунё халқларининг ахборот бозори — интернетда келтирилаётган маълумотларнинг ранг-баранг ва кўплигидан бош қотади. Уларнинг қай бири тўғрию, қай бири нотўғри эканини ажратиб олиш мушкул. Тармоқда миллий менталитетимизга мутлақо ёт мафкура ва дунёқарашни — экстремизм, фаҳш, гиёҳвандлик, зўравонлик, терроризм ва шовинизм каби бало-қазоларни фарзандларимиз қалби ва онгига сингдиришга уринаётганлар ҳамон учрамоқда.

Президентимиз Ислом Каримовнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида таъкидланганидек, ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни қўпоришга қаратилган хатарли таҳдидлар одамни ташвишга солмай қўймайди. Шундай экан, замонавий ахборот технологиялари, хусусан, интернетдан фойдаланганда унинг салбий таъсири мавжудлигини ҳар доим ёдда тутмоқ даркор. Зеро, ҳушёрлик — инсонни муваффақиятга элтувчи энг муҳим омиллардан биридир.

Холмурод САЛИМОВ,
ЎзА мухбири

Garoyib olam

Дунёда спорт сингари барчага бирдек қизиқарли соҳа бўлмаса керак. Дарҳақиқат, спортнинг ўзи бир олам. Айниқса, миллионлар ўйини деб аталадиган футбол ҳақида гап кетса, жони-дили билан тинглайдиган ишқибозлар талайгина. Бироқ спортнинг бу оммабоп тури тарихида ҳам ғаройиб воқеа-ҳодисалар кўплаб учрайди.

Биз билган ва билмаган дунё

Масалан, Бразилиянинг Арамбу шаҳридаги футбол ишқибозлари меҳмонхонаси жаҳонда ягона ҳисобланади. Аввало, ушбу меҳмонхонанинг биноси футбол дарвозаси шаклида барпо этилган бўлиб, меҳмонларни эрталаб ўйин ҳаками ҳуштагининг овози уйғотади. Тушки овқат, ўйин вақтидагидек, роппа-роса 90 дақиқа давом этади. Меҳмонхонада Бразилия терма жамоаси қўлга киритган турли мукофотлар сақланувчи музей ҳам мавжуд. Меҳмонхонанинг барча хоналари машҳур чарм тўп усталарининг суратлари билан безатилган.

Янада қизиқарлиси, Лондондаги спорт музейида эса, бевосита футболга тааллуқли иккита олтин танга сақланади. Бунинг сабаби шундаки, 1863 йили Англияда футбол ўйини вақтида тўпни қўл билан ушлашни тақиқловчи янги қоида жорий этилади, аммо дастлаб ўйинчилар бунга кўника олмайди. Ниҳоят, Шефильд шаҳри жамоаси устози янги тартибга ўргатишнинг антиқа йўлини ўйлаб топади, яъни ўйингоҳга тушиш олдидан у ҳар бир футболчининг иккала қўлига биттадан олтин танга беради. Кутилганидек, ўйинчиларнинг кафтида маҳкам қисилган тангалар тўпни ушлашга имкон бермасди.

Яна бир қизиқ ҳолат. Майдонга галстук тақиб тушган футболчини ҳеч кўрганмисиз? Ирландиядаги "Портланд роверч" клуби ўйинчилари майдонга албатта галстук тақиб чиқишади. Маълум бўлишича, бир бойвачча ишқибоз: "Агарда майдонга галстук тақиб тушсанглар, бутун бойлигимни жамоангизга қолдираман" деб васият қилган экан.

Шуниси қизиқки, Жазоирда бўлиб ўтган футбол учрашувини бутун футбол тарихидаги энг қисқа учрашув деб ҳисоблаш мумкин. "Оулодиа" ва "Релизанс" миллий лига жамоалари ўртасида уюштирилган матч энди бошланганида жарима майдонида қарши томон ҳужумчиси қўполлик билан йиқитилгани учун ҳакам "Релизане" дарвозасига 11 метрлик жарима тўпи белгилайди. Лекин қоидани бузган жамоа ўйинчилари ҳакамнинг бу қарорига қаттиқ қаршилик кўрсатишган ва уни ўраб олиб жаримани бекор қилишини талаб этишган. Ҳакамнинг тоқати тоқ бўлиб, уларнинг энг маҳмадонасига қизил карточка кўрсатгач, жамоа ўйинчилари, норозилик белгиси сифатида, тўла ҳолда майдонни тарк этишган. Ҳакам уларни 10 дақиқа кутгач, ўйинни тугади деб эълон қилишга мажбур бўлган. Бу матчда ўйин вақти, бор-йўғи, икки дақиқа давом этган, холос.

Дарҳақиқат, пенальти сўзи барчамизга маълум. Бу ибора футбол ўйинига тааллуқли. "Пенальти"нинг муаллифи Ирландиянинг "Милфорд Эвертон" клубининг дарвозабони Вильям Маккрумдир. Хаёлий орзу-ўйлар оғушида юрадиган бу инсон 1890 йилда Ирландия футбол ассоциациясига ўйинда пенальти тадбирини қўллаш таклифи билан чиқиб, кулгули шов-шувга сабаб бўлади. Лекин орадан роппа-роса 12 ой ўтиб, яъни 1891 йил 2 июнда Қоидалар халқаро кенгаши пенальтини спорт ўйинлари қоидалари қаторига киритиб тасдиқлайди.

Буёғини сўрасангиз, дастлабки пайтларда пенальти хоҳлаган жойдан тепилган, фақат 12 ярд масофа қатъий белги бўлган. Дарвозабонга эса, дарвозадан 6 ярд чиқишга рухсат этилган. Пенальти тайинлаш учун атиги 3 та қоидани бузиш, яъни рақибни чалиш, ушлаб қолиш, тўпни қўл билан ўйнаш етарли асос ҳисобланган.

Спортнинг бу тури ҳақида гап кетганда, яна бир қизиқ воқеа ёдга тушади. Гап шундаки, Калифорния университетининг мутахассиси Дэвид Янг шу пайтгача ҳеч ким ўрганмаган ишни ўрганишга бел боғлади ва у бунга эришди ҳам. У кўпгина тарихий манбаларни кўздан кечириб, қадимда спортчиларнинг гонорарлари қанча миқдорни ташкил этганини аниқлашга муваффақ бўлди. Маълум бўлишича, қадимги Римда спортчиларнинг бир йиллик даромади, ҳозирги пул билан ҳисоблаганда, тахминан 170 минг доллар атрофида бўлган экан.

Ҳаммага аёнки, ҳар қандай спорт ўйинларида, айниқса, футболда чаққонлик зарур. Бироқ Испаниянинг Бильбао шаҳрида яшовчи Ансельман Мартинес оғирлиги 120 килодан юқори бўлган гигант вакиллардан ташкил топган футбол жамоаси тузди. Унинг фикрича, семиз футболчилар гарчи ҳужумда яхши ўйнай олмасалар ҳам, жилла қурса, гавда кенглиги билан ҳимоянги қойиллатиб, жамоага кўп фойда келтирар эмиш.

Интернет материаллари асосида Шаҳло ХУДОЙБЕРГАНОВА тайёрлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг расмий веб-сайти (www.parliament.gov.uz) да ёшлар ўртасида «ПАРЛАМЕНТАРИЗМ БИЛИМДОНИ – 2014» он-лайн танлови эълон қилинди

Танловнинг асосий шартлари ва талаблари

1. **Танлов иштирокчиси** — 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшлар.

2. **Танловнинг мақсади** — ёшларнинг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини ошириш, улар орасида Конституция ғояларини ва ушбу ғоялар асосида қабул қилинган қонунларнинг мазмун-моҳиятини тарғиб қилишга кўмаклашиш, миллий парламентнинг фаолияти тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборот олишни таъминлашдан иборатдир.

3. **Танловда қатнашиш қоидалари** — Танловда иштирок этишни хоҳловчилар танлов иштирокчиси сўровномасини тўлдиришлари лозим. Унда ўзи ҳақидаги маълумотлар (исм-шарифи, туғилган йили, иш ёки ўқиш жойи, яшаш манзили, телефон рақами) кўрсатилади. Танлов иштирокчисининг сўровномаси Қонунчилик палатаси веб-сайтида жойлаштирилади.

4. **Танловнинг асосий шартлари** — Танловга бериладиган саволлар Қонунчилик палатасининг расмий веб-сайтида ҳар ҳафтанинг сешанба куни жойлаштирилади (март ойидан декабргача). Танлов иштирокчиларининг жавоблари савол эълон қилинган ҳафтанинг якшанба кунигача қабул қилинади. Ушбу муддат давомида танловнинг ҳар бир қатнашчиси саволларга фақат бир марта жавоб бериши мумкин. Шунингдек, иштирок этишни хоҳловчилар танловнинг исталган туридан бошлаб қатнашиш ҳуқуқига эга.

5. **Танлов саволларининг йўналишлари:**

— Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари;

— Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фаолияти;

— Депутатлик бирлашмалари фаолияти (сиёсий партиялар фракциялари, депутатлик гуруҳлари сони, уларнинг таркиби ва ваколатлари)

6. **Танловни баҳолаш мезонлари** — ҳар ҳафта (танлов тугагунга қадар) сешанба куни мазкур учта йўналиш бўйича 3 та савол 4 та жавоб варианти билан эълон қилинади. Ҳар бир тўғри жавоб бир баллдан баҳоланади. Барча савол ва жавобларнинг вариантлари ўзбек ва рус тилларида жойлаштирилади. Қонунчилик палатасининг веб-сайтида ҳар душанба куни танлов қатнашчиларининг рейтинг жадвали эълон қилинади, унда қатнашчиларнинг исм-шарифи ва умумий баллари кўрсатилади.

7. **Танлов ғолибларини аниқлаш ва тақдирлаш** — Танлов натижаларига кўра, йиғилган балларнинг миқдорига қараб, уч нафар ғолиб аниқланади (тўплаш мумкин бўлган энг юқори балл — 120 балл). Агар тўпланган баллар ҳисоби тенглашиб қолса, ғолиблар ўртасида қўшимча тур ўтказилади. Ғолиблар Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланадилар. Танловда фаоллик кўрсатган ёшлар Қонунчилик палатасида ўтказиладиган тантанали тақдирлаш маросимида қатнашиб, Қонунчилик палатаси фаолияти билан яқиндан танишадилар.

8. **Танловни ўтказиш муддати** — 2014 йил 4 мартдан 2014 йил 1 декабргача.

Он-лайн танловнинг ўзига хос жиҳати шундаки, унда саволлар компьютернинг электрон тармоғига киритилган бўлиб, жавоблар электрон тартибда ҳисоблаб чиқилади ва ғолиблар аниқланади.

Танловда фаол иштирок этинг ва миллий парламентаризм билимдонига айланинг!

Jinoyat va jazo

Умр мазмуни ҳалоллиқда

эгрилик эса, пушаймонлик келтиради

Суд очерки

(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)

Шу ўринда табиий савол туғилади: хўш, маҳалла йиғини томонидан бериладиган нафақа қандай тартибда расмийлаштирилади? Бу саволга жавобан шуни айтиш керакки, маҳалла фуқаролар йиғинига нафақа пулини тўлаш учун ҳужжатлар Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 25 декабрдаги 33-сонли қарори талаблари асосида расмийлаштирилади.

Аниқроқ айтганда, нафақа олувчи фуқаро ариза билан мурожаат қилиб, тегишли ҳужжатларни топширгач, маҳалла фуқаролар йиғини масъул котиби томонидан ҳужжатлар қабул қилинади ва рўйхатга олинади.

Шундан сўнг котиб ҳужжатлар асосида нафақа олувчи оиланинг моддий ва мулкий аҳволини махсус комиссия ҳамда бандликка кўмаклашиш маркази ходимлари билан биргаликда ўрганиб чиқади ҳамда кенгашга кўриб чиқишга тайёрлайди. Расмийлаштирилган ҳужжатлар маҳалла идорасида етти кишидан иборат комиссия томонидан ўрганилиб, оиланинг моддий ва мулкий аҳволи ҳам текшириб чиқилади. Хуллас, ҳужжатлар комиссия иштирокчилари томонидан имзолангач, шу асосда кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тайинланади.

Таассуфки, Қарши шаҳридаги "Махсумобод" маҳалла фуқаролари йиғини раиси Ҳамза Шайқулов ва унинг котибаси Ирода Рашидова бу тартиб-қоидаларни мутлақо унутиб қўйишди. Бошқача айтганда, улар нафс қутқусига учиб, ўзларига топширилган вазифани сидқидилдан бажариш ўрнига уни суиистеъмол қилишди.

Қарши шаҳар молия бўлими ва вилоят назоратташтиш бошқармаси томонидан маҳалланинг 2012 йил 1 январдан 1 декабрга қадар бўлган йиллик молиявий аҳволи текширилганда, уларнинг қилмиши очилиб қолди. Гап шундаки, маҳалла раиси Ҳ.Шайқулов ва унинг котибаси И.Рашидова олдиндан ўзаро жиноий тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, еттита ҳолатда фарзандларга нафақа пули тайинлаш асосида маҳалла фуқаро йиғини баённомалари, молиявий аҳвол ўрганилганлиги ва даромадлар ҳисобга олинганлиги тўғрисидаги расмий ҳужжатларни сохталаштириб, қалбакилигини биллган ҳолда ундан фойдаланиб, давлат манфаатларига 5 миллион 826 минг 890 сўмлик миқдорида жиддий зарар етказишган. Ҳамтовоқларнинг қилмиши, гувоҳларнинг кўрсатмалари, шунингдек, бошқа далиллар билан тўлиқ ўз исботини топди.

Суд уларга қилмишига яраша жазо тайинлаш билан бирга давлат бюджетига етказилган 5 миллион 826 минг 890 сўмлик моддий зарар судланувчилар томонидан қопланганлигини ўз ҳукмида қайд этди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, мансаб — меҳнатсеварлик, тиришқоқлик, билимдонлик, ҳалоллик, зийраклик эвазига инсонга берилган мукофот. Айниқса, маҳалла оқсоқоллиги даражасига эришиш учун маҳалладошлар орасида катта ҳурмат ва обрў қозониш керак. Оқсоқол ўз хатти-ҳаракатлари билан маҳалладошларига ибрат кўрсатса, нур устига аъло нур. Аксҳолда Ҳ.Шайқулов сингари эл олдида юзшувут бўлиб қолиш ҳеч гап эмас.

Хулоса қилиб айтганда, ўзгалар ҳақига хиёнат қилиш, ҳаромдан ҳазар қилмаслик, эртами-кечми, кишини афсус-надомат чекишга мажбур қилади. Шундай экан, ҳалолликка таяниб ва виждон амрига бўйсуниб яшаш, эл ишончини оқлаш умр зийнати эканини доимо ёдда тутайлик.

Гулнора АЗИЗОВА,
жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилояти судининг судьяси
Абдунаби БОБОЁРОВ,
"Куч — адолатда" мухбири

Куч—АДОЛАТДА

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Бўритош МУСТАФОЕВ
Шоюнус ГАЗИЕВ
Кўчқор ТОҒАЕВ
Русланбек ДАВЛЕТОВ
Мавжуда РАЖАБОВА
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Омонбой ОҚЮЛОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Икром МУСЛИМОВ
Ғайрат ҲИДОЯТОВ
Арислон УСМАНОВ
Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир:
Сардор ҲАМРОЕВ

Саҳифаловчи:
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1-уй.
E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Тел.: (8 371) 239-02-54, 241-01-56

Буюртма: Г-225. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 9512.
1 2 3 4 Топшириш вақти: 21⁰⁰ Топширилди: 21³⁰